



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
21 август
ШАНБА
№ 66
(12.286)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Муствақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2010 йил 28 август шанба ва 29 август якшанба дам олиш кунлари 2010 йил 30 август душанба ва 31 август сешанба кунларига кўчирилсин.

28 август шанба ва 29 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2010 йил 18 август.

Мамлакатимизни энергия билан барқарор таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг муҳим натижаларидандир. Электр энергетика тармоғини техник ва технологик янгилашга доир муҳим стратегик инвестиция лойиҳаларини рўйга чиқариш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда асосий тармоқда тежамкорлик тизимининг йўлга қўйилгани электр энергетика комплексининг салоҳиятини муствақамлаш билан бирга мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

МАМЛАКАТИМИЗ ЭНЕРГЕТИКА САЛОҲИЯТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Энергетика корхоналари мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодиётининг электр ҳамда иссиқлик энергиясига бўлган талабини тўлиқ таъминлашда, уни ўқини давлатларга экспорт қилиш ҳамини кўпайтирмоқда.

Тошкент, Сирдарё, Янги Ангрэн, Навоий, Таллимаржон иссиқлик электр станциялари ҳамда Тошкент иссиқлик электр марказини янгилаш ишлари бошланди. Тошкент ва Навоий ИЭСда юқори самарали буғ-газ қурилмалари барпо этилаётган. Таллимаржон ИЭСда ҳар бири 400 МВт бўлган яна иккита буғ-газ энергия блокин, Тошкент иссиқлик электр марказида учта замонавий тежамкор газ-турбина қурилмаларини барпо этиш кўзда тутилган.

Кўмирдан олинган электр энергиясини ишлаб чиқариш улушининг ортиси билан электр станцияларида фойдаланиладиган газ ҳамини камайтириш долзарб вазифалар сирасига кирибди. Янги Ангрэн ИЭСдаги ускуналарни модернизация қилиш, яъни 1-5 қозонларни йил давомида қаттиқ ёқилги ёқилга ўтказиш ушбу масалани ҳал этишга ёрдам беради.

Ноанъанавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳам иссиқлик электр марказида, Сирдарё ва Таллимаржон ИЭСда детандер-генератор агрегатларини жорий этиш, 8 МВт қувватга эга "Қамолот" гидроэлектр станциясини қуриш, Чорвоқ ГЭСида белгиланган қувватнинг ошиши муносабати билан ундаги гидрогенераторларни модернизация қилиш, Чорвоқ сув омбори ҳудудига тажриба-синос тартибидеда 750 кВт қувватга эга шамол энергияси қурилмасини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бу эса энергия ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга тушадиган техноген оғирликни анча камайтириш, органик ёқилгидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бу борада амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар Ўзбекистоннинг жаҳон энергетика бозорига эгаллаб турган ўрнини янада муствақамлайди.

В. РУДАКОВА,
ЎЗА муҳбири.

Паркент туманидаги "Бойчечак" ёзги дам олиш оромгоҳида ҳарбий спорт оромгоҳи ташкил этилди.

«БОЙЧЕЧАК» САБОҚЛАРИ

Жорий йилда мазкур оромгоҳда вилоят ички ишлар бўлимидаги профилактик ҳисобидеда туречи 100 нафар ёшлар иштирокида ўқув-масъулотлар, семинарлар, маънавий-маърифий, профилактик тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Бу ерда вилоятдаги ички ишлар идораларида профилактик ҳисобидеда турган болалар икки кун давомида бўш вақтларини маъмули ўтказишди.

Оромгоҳда ташкил этилган "Келажакдаги орауларим ва уларга етишиш учун нима қилишим керак?", "Гийҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари" мавзудаги ўқув-семинарлари, "Келажакда ким бўлмоқчиман?" расмлар танлови, "Қамолот" соати тадбири, "Қувноқ" спорт мусобақалари тарбияланувчиларда катта таассурот қолдирди.

"Туркистон-пресс".

ИМКОНИАТ

Вилоят ҳокимлиги ва солиқ бошқармаси ҳамкорлигида Вилоят маънавий ва маърифат марказида "Истеъмол товарларини шартнома кўриши" кўргазмаси ўтказилди.



СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ ТАЙИН

Бундан кўзланган мақсад халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчилар билан улгуржи ва чакана савдо корхоналари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ривожлантириш, нақд пул тушумини кўпайтириш, ноқонуний йўллар билан ички бозорга кириб келадиган контрабанда товарларини савдосининг олдини олиш, шунингдек, корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолини халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз қондиришдан иборатдир.

Тадбирда 127 та ишлаб чиқарувчи, 630 та чакана ва 56 та улгуржи савдо корхоналари қатнашди.

Марказ биносига кириб келар экансиз, кўргазмага қўйилган турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларини кўриб, наҳот, буларнинг бари вилоят-



тимизда ишлаб чиқарилаётган бўлса, дея ҳайратингиз ортади. Чиройли қадокланган ширинликлар оғзингизда эрийди. Турфа сут ва гўшт маҳсулотлари, кийим-кечаклар бўлими ҳам иштирокчилар билан гавжум. Корхона вакиллари сизга бажонидил ўз маҳсулотлари ҳақида сўзлаб беришади. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар ўзлари ишлаётган корхонанинг оёққа туришига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашади.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: кўргазма иштирокчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

АВГУСТ ОЙИ – ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ

СУВЧИ – ҒЎЗАНИ ЯШНАТУВЧИ

Оққўрғон туманида пахта ва галладан юксак хирмон уюшнинг ҳадисини олган фермерлар кўп. "Жалоуд Уғли Шерзодабек" фермер хўжалиги шулардан бири. Ташкил

топганига етти йил бўлаяпти. 51 гектар ери бор. Ҳар йили 15-16 гектарда галла, 34-35 гектарда пахта етиштирилади. Ҳосилдорликда илгорлар қаторида.

ғўзани тўрт марта сувга қондиришди.

– "Асад суви – асал сув" деган иборани уста деҳқонлардан кўп эшитганмиз, – дейди Искандар Улуғбоев. – Биз ҳам асад киргандан бошлаб, икки марта шарбат суви бердик. Асал дейилишининг боиси бор. Ғўзага асада оқизилган шарбат, деҳқонлар тили билан айтганда, ҳосилга ишлайди. Қўсақлар тез йириқлашади, чигитлар обдон тўйинади, толаси узайиб, пишққ тортади. Ҳозир ҳар туп ғўзада эртага хирмонга лўппи пахта бўлиб тўкиладиган ўртача 25 тадан бўлиқ қўсақ бор.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик аъзоларининг ҳар бири ў ёки бу соҳа бўйича мутахассис.


– Улар ўз ишларини билиб қилишади, менга ортиқча ташвиш қолдиришмайди, – дейди Сафар Биюнов. – Шу боис мен бошқалиқ сифатида асосан ташқилий ишлар билан шугулланаман, хўжалигимизнинг истиқболи ҳақида бош қотираман.

СУРАТДА: фермер Сафар Биюнов. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



бўларди. Ҳозир асл фермерлар ўзининг техникасига эга бўлишга уринаётгани бежиз эмас.

Учинчиси – "сувчи –



ғўзани яшнатувчи", деганларидек, хўжалиқнинг миришкор мироблари Искандар Улуғбоев, Ўсар Акбаров, Валентин Кан хозиргача

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Юртимизда энг улғу, энг азиз байрам – Мустақиллик кўни арафасида янги объектларни фойдаланишга топшириш янги анъанага айланган. Бундан қўрилмиш жараёнларга баъзан камчиликлар, мўлғий ресурслар ва материаллар етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Соҳани янги тушунадиган депутатлардан иборат доимий комиссиялар қўрилмиш объектларга ишлар режа асосида олиб борилиши ва биюлар белгиланган муздатга топширилиши устидан депутатлик нозорати ўрнатилганга қарор қилинган.

БАЙРАМ ТУҲФАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Жумладан, Ўртачирчиқ туманида иккита, яъни Пахтаобод қишлоғида 435 ўрилли миллий хунармандчилик, дизайн ва сервис касб-хунар коллежи ҳамда Қумовул қишлоғида 20 та уй-жой қурилиши мuddати айрим камчиликлар сабабли кечикаётганди. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси вакиллари қурилиш жараёнини ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам кўрсатгач, ишлар жадаллашди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси вакиллари жараёнга жалб этиб, ҳамкорликда иш олиб бордик. Мавжуд муаммоларни ўз ваколатларимиздан фойдаланиб, қонун доирасида халқ эътиборимиз натижасида ҳудуддаги барча объектларда камчиликлар бартараф этилди. Туман кенгаши комиссиясидан таъинланган вакиллар навбат билан объектда бўлиб, жараёнини назоратта олишди.

Доимий комиссияси вакиллари қурилишни тезлаштириш учун қўшимча ишчи кучини ҳам жалб этишайтир. Масалан, депутат Мунира Қориева ташаббус билан қўшимча 50 та ҳашарчи жалб этилгани боис ишлар янада жадаллашди.

Саид АСҚАРОВ.

ҲАР ЁШДА БИР ФАЗИЛАТ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташкил этган "Бу муқаддас Ватанда азиз-дир инсон" шиори остидаги "Мустақиллик ёшлари-

миз" номли лойиҳада ҳаракатнинг вилоят, шаҳар, туманлардаги бошланғич ташкилот аъзолари, талабалар иштирок этишяпти.

Вилоятда мазкур лойиҳа асосида "Юртимни обод этаман!" шиори остида шаҳар ва қишлоқларда тозалаш ва ободонлаштириш тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив сало-

матлиқни муствақамлаш, турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича Саломатлик ва тиббий статистика институтини вилоят филиали, "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда.

– Ҳар томонлама баркамол авлоднинг камол топшириш учун ўғил-қизларнинг саломатликлари билан бир қаторда, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак, – дейди Саломатлик ва

тиббий статистика институтини вилоят филиали директори Гулбахор Абдуллаева. – Чунки, ёшларнинг чекиш, ичкилик, гийҳвандликка ружу қўйишлари, аксарият ҳолларда тарбияга бўлган лоқайдлик туфайли юзага келадиган бугунги тадбирда чекиш инсон ҳаётига жиддий зиён етказиши, у келтирадиган моддий-маънавий зарар хусусида атроф-

лика тушунтириш бердик. Кашандалар ҳаётдан лаҳзалар намоиш этиб, ёшларга тўғри йўл кўрсата олди.

Прокуратура ходимлари иштирокидаги "Биз одам савдосига қаршимиз" тадбири ҳам вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида қизгин давом этмоқда.

Юрт равнақи ва фаровонлигига ҳисса қўшадиган келажак ворислари сафини янада кенгайтириш – лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Ирода МАҚСУД қизи.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Дўстлик ва ҳамкорлик байрами

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги ва Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 64 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгаши, Ўзбекистон – Ҳиндистон дўстлик жамияти ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорликда ташкил этди.

Маросимда Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С. Фуломов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янги мазмун касб этиб, изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро

ташрифлари мунтазамлик касб этди. Хусусан, 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистонда бўлди. 2006 йил апрель ойида эса Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди.

– Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари узок тарихга эга, – деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах Алкадри. – Анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

У.а.

ХИТОЙ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари билан иборат делегациянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон-Хитой бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "China Foreign Trade Centre" компанияси ўртасида икки томонлама битим имзоланди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда жадал ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлмоқда.

Бу галги делегация ХХР Тижорат вазири ва "Canton Fair" халқаро кўргазма-ярмаркаси ташкилотчиси – "China Foreign Trade Centre" компаниясининг раҳбарлари ва вакиллари билан иборат.

Ушбу ташрифдан қўзланган асосий мақсад Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган "Canton Fair" халқаро кўргазмасининг афзалликлари тўғрисида кенг маълумот бериш.

Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини ўрганиш, ўзбекистонлик ва хитойлик тадбиркорлар, кўргазма ташкилотлари ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хитой бозорига олиб чиқишдан иборатдир.

"Canton Fair" – дунёда энг машҳур савдо-саноат ярмаркаларидан бири ва Хитойда энг кўп маҳсулот намойиш қилинадиган йирик ярмарка ҳисобланади. Навбатдаги кўргазма жорий йилнинг кузида Гуанчжоудаги "Пачжоу" кўргазмалар марказида бўлиб ўтади.

У.а.

ДАРВОҚЕ

МУЗҚАЙМОҚНИНГ ЗҲРИ ҲЗИМИЗДА

Ёз охираб борапти-ю, жазирама тафти пасаяя демайди. Шундай кунларда музқаймоқ ейишга нима етсин?!

Пойтахтимизда Caravan Group компаниясининг ташаббуси билан музқаймоқ ишлаб чиқарувчилар ҳафталиги ўтказилди. Мингдан зиёд музқаймоқсевар иштирокчилар йирик корхоналар ишлаб чиқараётган турли музқаймоқларни таътиб кўришди ва баҳо беришди.

Эътиборли жиҳати, ҳафталикнинг якуний натижаларига кўра, "Энг яхши шоколадли музқаймоқ" номинациясини Қибрай туманидаги "Имкон Плюс" хусусий корхонаси қўлга киритди. 1997 йилда ташкил топган корхона 2001

йилдан буён жаҳонга машҳур "Тетра Пак" фирмасининг технологиялари асосида музқаймоқ ишлаб чиқармоқда. Ҳозир корхонанинг 50 турдан зиёд маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон бўйлаб, балки яқин хориж мамлакатларига ҳам тарқатилмоқда. Бундан ташқари, "Сингапур-Самарқанд" хорижий корхонаси маҳсулотлари ҳафталикнинг "Энг яхши мевали музқаймоқ" ҳамда "Энг яхши пломбир музқаймоқ" номинациялари бўйича голиб деб топилди.

Умида БҮТАЕВА.

ЭПИЗООТИК ВАЗИЯТ – НАЗОРАТДА

Мамлакатимизда эпизоотик вазият барқарорлигини таъминлаш, четдан брущелёз, пастереллёз, куйдирги, оқсил каби юқумли касалликлар кириб келишининг ҳамда чорва моллари ва паррандалар ўртасида тарқалишининг олдини олиш юзасидан жойларда зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармаси ва унинг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилаётди.

– Минтақамизнинг айрим мамлакатларида юзага келган эпизоотик вазият ўтказилган профилактик ва эпизоотияга қарши тадбирларни янада кучайтиришни талаб этмоқда, – дейди Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиги Малика Сатторова. – Ушбу йўналишдаги ишлар вилоятнинг чегара ҳудудларида кучайтирилган тартибда олиб боришмоқда. Мазкур ҳудудларда барча турдаги ҳайвонлар куйдиргига қарши тўлиқ эмланди. Чегаралардаги мавжуд икита ветеринария карантин кўриқлаш постига узлусиз навбатчилик ташкил этилган. Ветеринария карантин кўриқлаш постларида вило-

ят ҳудудига кириб келаётган барча транспорт воситалари ва чорвачилик маҳсулотлари назоратдан ўтказилмоқда.

Сўнги йилларда соҳа юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминланганлиги, моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ветеринария хизмати сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ветеринария бўлимлари ва лабораториялар, 12 туман ва 5 шаҳар ветсанэкспертиза лабораторияси, вилоят эпизоотияга қарши кураш отряди, 187 зооветеринария пункти фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозир мавжуд чорва ва уй ҳайвонларининг юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадида профилактик эмлаш тадбирлари давом эттири-

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини ншонлашга қизгин тайёргорлик кўрилайётган шу кунларга шаҳар ва туманларга бунёдкорлик ишлари янада авж олди.

ЎҚУВ БИНОЛАРИ ШАЙ

Хусусан, Қибрай, Куйичирчиқ туманларида бир қатор ўқув юрталари бинолари қайта реконструкция қилиниб, ўқувчиларни кутмоқда.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

ОГОҲЛИК

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Шу кунларда вилоят ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган кенг қамровли "Тоғалаш – Антитеррор" тадбири ўтказилмоқда.

Тадбир бошидан буён хонадонлар, ташкилот ва корхоналар, кафе, бар, рестороанлар, таълим муассасалари, ётоқхона ва мехмонхоналар, маҳалла гузарлари кўздан кечирилиб, фуқароларни огоҳлик ва ҳушёрликка қорлаш мақсадида кўплаб учрашув ва суҳбатлар уюштирилди.

Тадбирлар давомида юз берган жиноятларнинг зудлик билан изидан бориб, фош этишга эришилмоқда. Жумладан, Беруний кўчасида яшовчи С. Собир хотини – Улуғбек кўчасида яшовчи С. Ноиланинг уйини қасддан ёқиб юбориб, 753 минг сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди. Ахлоқ-одобга зид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. «Ипак йўли» кўчасидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи Я. Гулсара қўшмачилик қилиб, бўқалик М. Улфат ва олмалиқлик А. Гулидага 3 минг сўм эвазига ўз уйдан жой ажратиб берганлиги маълум бўлди.

– Юртимиз осойишталиги ва халқимиз хотиржамлигини таъминлаш мавсумий ёки баъзи соҳа эгаларигагина тааллуқли вазифа эмас, – дейди шаҳар ИИБ бошлиги ўринбосари Илҳом Худойбер-

Олмалик – саноатлашган шаҳар. 119 минг 700 аҳоли истиқомат қилади. 150 нафар ички ишлар ходими ва 48 маҳалла посбони шаҳар осойишталигини сақлаш, аҳоли хотиржамлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан банд. Бу тадбирга кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жалб қилинган.



ганов. – Бу ҳамма учун муқаддас бурч. Барқарорликни таъминлашга ҳисса қўишни ўз фуқаролик бурчи деб билган юртдошларимиз билан ҳамкорликдаги ҳаракатлар бесамар кетмапти. Фафур Фулом маҳалласидаги 4200 фуқаронинг осойишталигини таъминлашда маҳалла фаоллари ва посбонлари билан ҳамжиҳатликда мунтазам ўтказилаётган паспорт тартиботи қондаларига амал қилишга оид тадбирлар, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ташкиллаштирилаётган суҳбат ва учрашувлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

– Маҳалла осойишталиги – юрт тинчлиги, – дейди Фафур Фулом маҳалласи посбони Аъзамхон Қосимов. – Спиртли ичимликка ружу қўйган оилавий жанжалларга нисбатан тегишли чоралар кўриш баробарида, уларнинг хатти-ҳаракатларини кенг жамоатчилик орасида муҳокама қиламиз. Шунингдек, профилактика инспекторлари, посбон ва сардорлар ҳамроҳлигида кўп қаватли уйлар, уларнинг ертўла ва чердақларини текшира-

ИМКОНИАТ

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ ТАЙИН

Оҳангарон туманидан "Beef-Bread Group" фермер хўжалиги вакиллари кўргазмага катта тайёргарлик билан келишгани шундоққина билиниб турибди. Уларнинг 20 турдан зиёд қандолат ва 10 хилдан ортиқ нон маҳсулотлари кўпчиликка маъқул келди.

– Хўжалигимиз ташкил топганига эндигина 4 ой бўлди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Рустам Эрматов. – Шу қисқа фурсат ичида асосий йўналишимиз бўлган чорвачиликни ҳам, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам яхши йўлга қўйиб олдик. 22 кишидан иборат жамоамиз бир ойда 35-40 минг донанон маҳсулотларини ишлаб чиқараяпти. Соҳадаги кучли рақобатни енгиш учун энг аввало, маҳсулотларимиз сифатига эътибор бераймиз. Қолаверса, таннархини арзонлаштиряймиз. Кўргазмага келиб, мижозларимиз янада орди.

– Чирчиқ сариеғ сут савдо" хусусий корхонаси вакиллари кўргазмага яхши ниятлар билан келишди. Улар кун бўйи мижозлар билан шартномалар тузишди. Корхонанинг сут, қатиқ, сметана, кефир, қаймоқ каби маҳсулотлари кишини-ёзини харидордир. Мустақиллик байрами арафасида корхонада сариеғ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Куйичирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" хусусий фирмаси ходими Дифуза Ризаева ҳар кун иستهъмолчиларга 500 кути ичимлик суви ҳамда бир тоннагача музқаймоқ етказиб беришяётганини гурур билан таъкидлайди. Айниқса, ҳозирги жазирама кунларда "Дюшес", "Тархун" ва газланган сувларнинг бозори жуда чаққон.

– Бу кўргазмани ташкил этиб, зап иш қили-

моқда. (Давоми. Боши 1-бетда).

шибди, – дейди у. – Маҳсулотларингизни сотиб бераман, ҳамкорлик қиламан, деган фирмалар талайгина экан. Илгари биз уларни қидирадик. Энди улар бизни излаб келишганидан хурсандимиз.

Юқоричирчиқ туманида яқиндагина иш бошлаган "Мусаффо зилол сервис" корхонасининг 12 турдаги ичимлик сувлари "Nestle", "Gidrolife", "Arktika" савдо белгиси остидаги турдош маҳсулотлардан асло қолишмайди.

Янгийўл туманидаги "Биллур текс" корхонаси моделиери Гулноза Фоилованинг айтишича, улар ишлаб чиқараётган 15 хилдаги тўқимачилик маҳсулотлари ички бозорини тўлдирибгина қолмай, Россия ва Ҳиндистонга ҳам экспорт қилинаётган экан.

Кўргазма давомида Зангиота туманидаги "Адолат" масъулияти чекланган жамиятининг иш-ша идишлари, "Asli-GM" корхонасининг каттаю кичикларга мўлжалланган кийимлари, Бўстонлик туманидаги "Sarskaya sladosti" корхонасининг ширинликлари ҳамда Қибрай туманидаги "Янгодининг қадокланган гўштлири барчага маъқул келди.

– Кўргазма кутилганидан ҳам юқори савияда ўтди, – дейди вилоят солиқ бошқармаси бошлиги ўринбосари Шўҳрат Махаммадхонов. – Ташриф буюрувчиларнинг кети узилмади. 4 миллиард 700 миллион сўмлик 818 та шартнома имзоланди. Келгусида бундай кўргазмаларни давом эттиришни мақсад қилдик.

Кўргазманинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев иштирок этди.

Хушида ТУРСУНБОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш, миллий санъатни изчил раванқ топтириш борасида кўрсатилган юксак эътибор ўз самараларини бермоқда.

ФОТО САНЪАТИМИЗ ДОВРУҒИ

Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳридаги замонавий санъат миллий галереясида "Ўзбек фотография санъатининг 125 йиллиги" мавзусида кўргазма бўлиб ўтди. Тошкент Фотосуратлар уйдан маълум қилишлари, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ташки ишлар вазирилик ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма мўғулистонлик санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Юртимиз фото санъатининг тарихи, бугунги кун ва истиқбол ҳақида атрофлича маълумот бериш учун ушбу кўргазмада турли йилларда тасвирга олинган эликдан зиёд сурат намойиш этилди. Улар орасида ўзбек фото санъати мактаби асосчиси Худойберган Девонев томонидан олинган суратлар ҳам бор.

Кўргазмада намойиш этилган ижодий ишлар орасида, айниқса, истиқлол йиллари барча жаҳалларда эришган ютуқларимиз, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, жонажон Ўзбекистонимизнинг бетакор табиати, тоб шаҳар ва қишлоқлар, тарихий обидалар, меҳнаткаш, самимий ва бағрикенг ҳамюртларимиз фаолияти, ёшларга қўрсатилган юксак меҳр ва эътибор акс эттирилган фотоасарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

У.а.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.

СУРАТДА: Олмалик шаҳар ИИБ профилактика инспектори Фарход Пардабобов

Фафур Фулом номли маҳалла фуқаролари билан тадбир вақтида.

ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

барча ватандошларимизни

республикамиз

Мустақиллигининг

19 йиллиги

билан самимий табриклайди!

Ўзбекистон буюк, тинчликсевар давлат сифатида

порлоқ келажак сари дадил одимлайверсин!

Халқимиз танлаган истиқлол йўли янада нурли, саодатли бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН БУЮК, ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ СИФАТИДА

ХУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!
Тадбиркор ва ишбилармонлар!
Агар солиқ қонунчилигига оид ҳуқуқларингиз бузилса, Сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингизни таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасида ташкил этилган "Ишонч телефон" ига мурожаат қилинг. Бошқарма ходимлари Сизнинг ҳуқуқларингиз ҳимоясига ҳамisha тайёр!
Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси
«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» РАҚАМИ: 281-53-21.

Ўзбекистон "Болалар" жамғармаси Тошкент вилоят бўлими "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси" Тошкент вилоят бўлимига қўшилиши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатади. Бундан кейин жамғарма юқорида номи зикр этилган ассоциацияга тасарруфида ўз фаолиятини давом эттиради.


МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-93-83; (8-370) 573-50-77.

Официальный дилер GM "O'ZBEKISTAN"
000 "Юнусобод авто савдо"
реализует автомобили:

- NEXIA SONC
- NEXIA DONC
- DAMAS
- LASETTI BVD
- MATIZ
- CAPTIVA
- LASETTI
- MATIZ BEST
- EPICA
- EPICA BVD

Товар сертифицирован

Наш адрес:
г. Ташкент,
пр. А. Темура, 79



Тел.: 223-95-18,
223-97-49, 223-95-84.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, 28.04.2009 йилдаги №6399/4 ижро ҳужжатига асосан қўйилган кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқурғон қ.ф.й., Гунча кўчасида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган 35-хонадон. Бошланғич баҳоси - 89 643 105 сўм. 2. Тошкент вилояти Қибрай тумани, Ўнқурғон қ.ф.й., Гунча кўчасида жойлашган, ер майдони 878,82 кв.м. бўлган 42-хонадон. Бошланғич баҳоси - 530 219 162 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 7 сентябрь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилнинг: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ураббоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан яқка тартибдаги тадбиркор Самуджанов Мирзахид Алиевич номига берилган № 11-02478 рақамли гувоҳнома, думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ ҳудудида жойлашган "MUSINA AVTO" МЧЖга қарашли бино иншоотларига Зангиота тумани "Ерилуққадастр" хизмати томонидан берилган (архив № 1615) № 11-04-11-04-01-0057-сонли кадастр ҳужжати йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги Наби Фаилов номи киномеханик томонидан 2004 йилда Раҳмонова Шохиста Сиддиқовна номига берилган Т № 240896 рақамли диплом йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай тумани рўйхатда олиш инспекцияси томонидан 08.06.2009 йилда № 2186 - П. реестр рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтган "MASTER AGRO MIR" (ИНН 206300732) фермер ҳужжати номи "QIBRAY MASTER GREEN GARDEN" фермер ҳужжатига ўзгартирилгангани маълум қилди. Мурожаатла (499890) 315-75-17 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Уй-жойни хусусийлаштириш ва давлат мулкни ижарага бериш шаҳар Маркази томонидан Байбусов Шадбай номига 2006 йил 15 июнда берилган 00-22/4616 рақамли Тошкент шаҳри, Сергели-1-17-уй, 33-хонадонга тегишли давлат ордери йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилда рўйхатга олинган Ўзбекистон футбол Федерацияси раъзининг гувоҳномаси йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЖИДУНЁ

ЯНУКОВИЧ БОДРИНГ ТУЗЛАМОҚЧИ

Украина президенти Виктор Янукович Сорочинск ярмаркасида бодринг тузлайган бочка ва кўйлак ёқасига ёпиштирилган миллий безак сотиб олди.

"Украинская правда" газетасининг ёзишича, Янукович ярмаркани айланб, бир талай совга буюмлари ҳам харид қилди. "Мен ярмаркага ўзимга ёқадиغان гулдор безак олгани келганим, - дея эътироф этди президент. - Очигини айтсам, битта безакни ўзим сотиб олдим. Иккинчисини совга қилишди. Бочкага эса, тишлаганда қарсиллайдиган қилиб, бодринг тузламоқчиман".

Анъанавий Сорочинск ярмаркаси, одатда, Полтава вилояти Миргород туманидаги Большая Сорочиница қишлоғида ўтказилади. Аслида бу ярмаркани Гоголнинг "Сорочин ярмаркаси" қиссаси машҳур қилган. Бу асар буюк ёзувчининг "Диканька қишлоғи яқинидаги овул оқшомлари" номли ҳикоялар тўпламининг биринчи тоmidан ўрин олган.

НИГОХ ШУБҲАЛИ ШАЙХ - ЧЕГАРА ПОСБОНИ

Яқин дўстимнинг Ашт тумани чегара отрядида хизмат қилган ўғли муаллати туғаб, уйга қайтгани муносабати билан уларникига меҳмонга бордим. Тақдирини рад этмаганимдан дўстимнинг оғзи қулоғида.

Бундай пайтда, ўз-ўзидан маълум, чиройли дастурхон, қиттай-қиттай дегандек, мароқли гурунғ бўлади, албатта. Бу одадий ҳол-у, аммо дўстимнинг ўғли чегарадаги ҳарбий хизмати ҳақидаги хикояси билан ҳаммамизни ханг-манг қилиб қўйди. Қарангки, бугунги кунда мамлакатнинг чегара сарҳадларини асосан қандайдир диний мутаассиблар қўриқлашаётган экан. Улар, ҳатто, офицерлар таркибига ҳам суқулиб кириб, оддий аскарлар орасида ўз гоёларини ташвиқот қилиб, кенгёётган эканлар.

Қандайдир майор Мирзодавлат Усмонов бу соҳада жуда машҳур бўлиб кетибди. У, пинак бўзмай, ўзини шайх деб атайди. Унинг кўл остида хизмат қилаётган ҳали ёш, гўр аскарлар, гарчи майор доим ҳарбий кийимда юрса ҳам, унинг ҳақиқатан росмана шайх эканлигига шубҳа қилмай қўйганлар. Беш вақт намозни қанда қилмайди. Шариат аҳкомларининг ҳамма талабларига сўзсиз амал қилади. Хар ҳафтада бир марта туманининг марказий масжидига бориб, жума намозини адо этади. Бундан ташқари, мавриди келганда аскарлар олдида "ката одам"лар орасида танишлари жуда кўп эканлигини рўқча қилиб, гердайишни ҳам унутмайди.

Майор шундай танишлари ҳақида оғиз кўптириб мактанганда, туманининг энг обрўли дин арбоблари бўлган Адхам қори ва мулла Абдураимни, албатта, тилга олади. "Улар, - дейди, - мени ўз аскарларимнинг чинакам ислом масаласида "кўзларини очиб қўйиш"га даъват этадилар. Дўстимиз ўғлининг хикояларини тинглаб, майорнинг қорию муллалар даъватига амал қилаётганини англадик. Оддий чегара-чилар орасида Усмонов уқтирган ҳамма диний талабларни сўзсиз бажарувчилар пайдо бўлди. Тушунарли. Усмонов бундай талаблар нуқибонида ўз кўли остидаги қуролланган аскарлардан исталган вақтда хоҳлаган нарсасини талаб қилиб қолиши мумкин. Бунга аниқлаб етган чегара отряди бошлиғи подполковник Абдушукуров унга тасир ўтказишга уриниб, аскарларга диний сабоқ беришни бас қилишга чакирди. Бироқ, бундай чакирдиқлар жавобсиз қолди. Усмоновнинг шахсий армияси сафи кун сайин кенгайиб борди. Юқори раҳбариятга бир қатор сигнал ва шикоятлар бўлди-у, бироқ улар беиз кетди. Шундан сўнг раҳбарларнинг эътиборсизлиги, лоқайлигидан азият-чекишни, яъни "емаган сомага пул тўлаш"ни истамаган Абдушукуров армиядан бўшаб кетди.

Лекин, афсуски, Усмонов ва унга ўхшаганлар ўз ўринларида қолишди. Дўстимникига тўпланган меҳмонларни ўша кеча айнан шу ҳолат қаттиқ нафратлангирди. Нималар бўлапти ўзи? Наҳотки, бизларни аллақандай мутаассиблар ҳимоя қилаётган бўлишса? Зарурат туғилганда улар давлат қўлларига тутқазган қуролни шу давлатга, ўз халқига қарши қаратиши мумкинлигини ким инкор эта олади? Шундай экан, боқибегам, ўзоқни кўролмайдиган раҳбарларимизнинг бундай муносабати (тўғрироғи муносабатсизлиги)ни жиноят, дея баҳолаш ўринли бўлади, албатта. Ахир бугун чегараларимизни қўриқлаётган ўша шайхларнинг эртага Душанбедаги президент меҳамасига юрши бошламаслигига ким қафолат бера олади?

Афзалшо КАРАМШОЕВ.
TAJMIGRANT.COM

СОСИСКА АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛДИ

Немислар юртида турли хил сосискалар тайёрлабган дипломла мутахассислар пайло бўлди. Austrian Times газетасининг ёзишича, бундай "маълумот"ни Наймаркт шаҳридаги махсус сосиска академиясида олиш мумкин.

Бу ўқув муассасасини очиб гоёси Норберт Виттмандан чиқди. Унинг таъкидлашича, ҳафтаинг олти кунда сосиска ва колбаса ер экан.

Академияда талабаларга сосиска тайёрлашни ўргатибгина қолмай, бу оммавий немис таоми ҳамда колбасаларнинг кўпдан-кўп турлари ҳақида лекция ўқишади, шунингдек, горчица (хантал) ва бошқа соус (қайла) турларининг ўзига хос жиҳатлари ҳусусида сўзлаб беришади.

"Бизга бутун дунёдан талабалар келишади, - дейди муассаса раҳбари. - Ўзим колбаса ва сосискани жуда яхши кўраман. Кунига икки маҳал оқ колбаса ейман. Яқшанба - мен колбаса емайдиган ягона кун".

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОЛТИ ЁШЛИ МИЛЛИОНЕР

Хитойлик олти яшар қиз У. Циньин миллионер бўлиди ва мамлакатага энг ёш акциядор-ғўдакка айланган, дея хабар беради "Синьхуа". Унинг бойлиги бир миллион юандан сал кўпроқ баҳоланмоқда.

Отаси 2009 йили автохалокатда вафот этгандан сўнг 62500 та акцияси қизалоққа мерос қолганди. Бир неча кун илгари Чжоэян музофоти Шаосин шаҳридаги компания ўз акцияларини бирламчи жойлаштиришни бошлади. Шунда қизалоқнинг акциялари пакети умумий қиймати 1,05 миллион юан (ҳар донан 16,8 юандан) баҳоланди.

Авалги энг ёш миллионер-акциядор 13 яшар бола эди. Унинг 220 мингта акцияси бозор нарҳида салкам 10 миллион юан қийматига эга эди.

СПОРТ III СПОРТ III СПОРТ



«БУНЁДКОР» ЯНА КУБОК СОҶИБИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал ўйини бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда Гузорнинг «Шўртан» клублари майдонга тушди.

Эслатиб ўтамиз, «Бунёдкор» чорак финалда «Насоф» билан ўйнаб, умумий 3:2 ҳисобида галаба қозонган эди. Ярим финалда «Нефчи»ни 7:3 ҳисобида таслим этди. «Шўртан» эса, аввал чорак финалда номдор «Пахтакор»ни, сўнг «Локомотив» клубини енган эди.

Финал баҳси майдоннинг ҳар қарич ерида қизғин кечди. «Шўртан» бешинчи баҳсда финал йўли олмаганини исботлашга ҳаракат қилди.

Ўйиннинг 8-дақиқасида Шаҳбоз Эрқинов жарима тўлини бажарди. Бу зарбани Игнатий Нестеров ма-

ҳорат билан қайтариб қолишга эришди. Бундай ҳавфли вазиятлар ўйин давомида кўп бўлди.

Иккинчи бўлим биринчиси а қараганда янада шиддатли кечди. Гоҳ у, гоҳ бу жамоа тинимсиз ҳужумлар уюштирди. Шундай ҳужумлардан бири гол билан яқунланди. Темур Қападзе чап қанотдан ҳаволатиб узатган тўпни Стевица Ристич боши билан «Шўртан» дарвозасининг ўнг бурчагига жойлаб қўйди. Шу тариқа, «Бунёдкор» 1:0 ҳисобида устун келди ва иккинчи бор Ўзбекистон кубогини қўлга киритди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

КЎРГАЗМА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ёшлар ахборот-ресурс марказида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган китоблар кўرғазмаси ташкил этилди.

«Бу муқаддас Ватанда азизим инсон» шиори остида ўтказилаётган мазкур кўрғазмада бадиий, илмий адабиётлар, журналлар, рангли фотоальбомлар намо-

ЁШ КИТОБХОНЛАР КЎП ЭКАН

Кўрғазмада Президентимиз Ислоҳ Каримов асарлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавзудаги адабиётларга кенг ўрин берилган. Маънавий янгиланишларга бағишланган қисмда юртимизда миллий ўзликини англаш, ҳаққимиз, айниқса, ёшлар

маънавиятини юксалтириш борасидаги ижобий ўзгаришларни акс эттирувчи адабиётлар, рисола ва қўлланмалар, рангли фотоальбомлар намойиш этилмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти

йиш этилмоқда. Уларда ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли юртимиз учун даъват ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат каби барча соҳаларга ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани ўз ифода-сини топган.

кўрсатилган гамхўрлик ва эътибор, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, илм-фан, спорт, санъат йўналишларида муваффақият қозонган ёшлар ҳаётини акс эттирувчи адабиётлар, фотосуратлар жой олган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.



Дугоналар, байрам яқин.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

БЕКАЖОН

Фойдали
МАСЛАҲАТЛАР

● Дастурхонга тортишдан олдин салат ичига бир неча дақиқага лимон пўстлоғи солиб, кейин олиб ташланса, у янада хушбўй бўлади.

● Кўп хўрандалар салатларда саримсоқ хиди бўлишини ёқтирадлар, аммо саримсоқнинг ўзини хуш кўрмайдилар. Бунинг учун қоранон четига саримсоқни қалин қилиб суркаб, салат ичига солинади. Дастурхонга тортишдан олдин эса он олиб қўйилади.

● Салатлар дастурхонга тортиш олдида тайёрланади. Ёруғ жойда узок вақт туриб қолган сазавотлар фойдали хусусияти ва жозибали кўринишини йўқотди.

● Тухумни қайнатганда ёрилиб кетмаслиги учун тўтмоқ томони игна билан тешиб қўйилади.

● Тухумнинг ишлатилмай қолган сарияни шиша идишга солиб, устига совуқ сув қўйиб, муҳонага қўйилса, узок вақт яхши сақланади.

● Сут қайнаб чиққанда озгина шакар солинса, узок сақланади.

● Гўшти бўлгон тайёрлаш учун уни пиширишдан олдин бир неча соатга совуқ сутга солиб қўйилади.

● Қовуриш жараёнида сариёғнинг ранги ўзгармаслиги учун қизгач товага аввал ўсимлик ёғи суртиб олинади.

● Нон талқони ёки тўралган нон бўлақларига думалати қовурилган котлетларнинг нони бўкиб қолмаслиги учун улар устига соус ўрнига эритилган сариёғ ёки бошқа ёғлар қўйилади.

● Қайнатиб пиширилган мол ёки товуқ гўштини сувдан дастурхонга тортиш олдида олиш керак. Сувдан вақтли олинган гўшт қуриб, мазаси ўзгаради.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ИККИ МЕДАЛИ

Хитойнинг Шянгань шахрида каратэнинг Бутунжаҳон каратэ федерацияси йўналиши (WKF) бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Китъамизнинг йигирмадан зиёд давлатидан иқтидорли каратэчилар қатнашган мусобақанинг қумитэ бахсларида татамига чиққан Достон Отаболаев кумуш медални қўлга ки-

ритган бўлса, қизлар ўртасидаги беллашувларда Барно Мирзаева бронза медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

У бийдай сахронинг қоқ белида турилди. Тўрт тараф қумлоқ саксовул, шўра эди. Қорайган қир йўқ. Қорли тоғларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Чўл узра парвоз этиб юрган ёввойи қўшларга бокиб юксакларни, баланд қирларни, қояли тоғларни ҳавас қиларди. Кани энди ўша қояли тоғлар қўйнида бир умрга қолиб кетсам, дея энтикарди.

ортидан текин нон келиши мумкин». Ҳофиз йигит елкасини силайдиган кишиларнинг этагидан маҳкам тутди, уларнинг ўчоғига ўтин бўлди, мўрисига тутун. Тўй-томшалардан топган ақчасини сарфлаб шўхрат пиллапоясини қўлади.

Томчи тош тешади, дейдилар. Ҳофизнинг қибор хонадонларга қилган холис хизмати ҳадемай мевасини

учини бериб кўришар, касбдошларига қовундек чувак қалласини қимирлатиб қўя қоларди.

Навбатдаги маросим эди. Ҳофиз бир пайт раҳамосининг елкасига бош қўйди-ю: «мен сизни отам деганман», деб йиғлаб юборди. Кечада Ҳофизнинг ўз отаси ҳам бор эди. У: «сен бошқа ота топиб олинсан, билмай юрган эканман»,

бўлганди. Ҳофиз тегманозик эди. Унинг шаънига танқид нари турсин, енгил танбех ҳам айтиб бўлмасди. Агар у ўзининг жайдари қўшиқлари тўғрисида бир оғиз эътироз эшитса, шаҳарни бошига кўтариб, шаллақилиқ қилар, ялоқ гўмашталарини ёнига олиб устингиздан маломат ёғдирарди. Ҳофизнинг раҳамолари эса, унинг пешонаси-

лади. Аслида ана шу одамларнинг елкасида, шу қоракўзларнинг толган-тутгани, чапаклари туфайли баланд макомга эришганини фаҳм этмасди. Бетининг офаринлару муқофотлар унинг кўзларини кўр, тилини лол, қулоқларини қар қилиб қўйган эди. Фақат жағи қимирлаши ҳисобга олинмаса, у энди тирик хайкалга айланган бўлган эди.

У бир замонлар худди сор бурғутдек чўққи узра қанот қоқиб ҳайқирмоқни хуш кўрарди. «Ҳой одамлар, мен орузимга етдим! Ҳеч кимнинг оёғи тегмаган буюк чўққига чиқа олдим! Менга ҳавас қилинлар, одамлар!» деб жар соларди. Энди бўлса ўша тоғ бошидан туюшмай доғда. У пастга, одамлар чумоликдек гимирлаб юрган она заминга интиқ-интиқ термулади. Киндик қони тўқилган тупроқни, ўзи яланғош, ялангоёқ кезган қирларни, қумтепалиқларни, шўразорларни соғинади. Пастга тушмоқчи бўлади. Аммо кўрқадди. Оёғи тойиб чўққидан учиб кетишдан қўчийди. Ер юзидаги қоракўзларга қараб, илтижо қиладди.

– Биродарларим, жигарларим! Ёрдан беринлар! Қўлингизни чўзинг, токи мен ҳам ёнингизга тушай. Бу ерда ёлғизликдан зерикиб кетдим, илтимос, мени пастга туширинлар. Жон оғалар, укажонлар, ҳамюртларим...

Одамлар унинг фарёдини эшитмади. Чунки, у ҳалқдан жуда олисда, кўз илғамас, кўл етмас чўққиде эди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Чўққиде қолган
одам

берди. Қўл қўлни ювар экан. Санъатни соғин сизгирга айлантариб олган биттаси Ҳофизни қўлади. Ҳофиз энди казо-казолар шашнига қўшиқлар тўкиб, анжуманларда сайрай бошлади. Айниқса, «Хуш келибсиз бошимизга ой бўлиб, осмон бўлиб!» деб бошланадиган мадҳияси эгасига мойдай ёқиб тушди. Муқофотлар, сахнадаги гуллар билан гудурдор қарсақлар унинг бошини айлантирди. У, мен бошқа нағмачилардан бир қарич баланд эканман, деган девона хаялга борди. Салом бериш нари турсин, алик олишни ҳам унутди. Димоғидан эшакқурт ёғиладиган бўлди. Ке- чаги устозларига бармоқ

деди-ю, ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Бу Ҳофизга чивин қаққанчалик таъсир этмади. Негаки, у вақти-вақти билан амалдорлик рутбасини алмашиб турадиган хомийларини ота деявериб, ўрганиб кетган эди. Ҳуш хомийларнинг неварачева-раларига қўшиқ бағишлаш-нини эса, ўзига фарз деб биларди. Бошини силаб турадиган «отаси» неварачега билан бундай шерь тўқиди:

Шер бўлиб дунёга

Келдинг,

Шер бўлиб юргил

Мудом,

Эй улуг зот, сенга буткул

нағмасозлардин салом!

"Бу улуг зот"нинг туғилганига эндиғна етти кун

га тегадиган черткини ёқтирмасди. У телеэкранда инсоф, диёнат ҳақида ваъз айтарди. Аммо ўзи собик ширкат хўжалигининг бир қарич бўлиб яшнаб турган бугдойзорини буздириб, шохона қаср қуриб олди.

У оталик бурчи, фарзандлик қарзи хусусида оғиз кўпиртириб қўйларди. Унинг ўғил-қизлари эса пачақ чиқди. Қизининг бир оёғи чет элларда, ўғлининг иккала оёғи мелисахонада бўларди.

Йиллар ўтди. Ҳофиз аста-секин ҳаволаб борди. У шўхрат тоғига чиқиб, чўққига ёвуқлашган сари пастдаги одамлар кўзига тобора кичикроқ бўлиб кўрина бош-

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИКОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маънавий: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таъхироти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖОЕВ